

Рўйхатга олинди
№ _____
« _____ » _____ 2007 й.

ТАСДИҚЛАЙМАН
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирининг биринчи
ўринбосари
_____ А.Парпиев
« _____ » _____ 2007 й.

НАМУНАВИЙ ДАСТУР

«ТИЗИМЛИ ВА АМАЛИЙ ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТИ» фани бўйича

5521900 – «Информатика ва ахборот технологиялари (Иқтисодиёт)»
бакалавриат йўналиши талабалари учун

Умумий ўқув соати – 124

Умумий аудитория машғулоти соати – 84

Умумий мустақил таълим соати – 40

Давлат аттестацияси -

Тошкент – 2007 й.

Фаннинг намунавий дастури Олий ва ўрта махсус, касб – ҳунар таълими ўқув – методик бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг “_____” _____ 2007 й. _ - сон мажлисида муҳокама этилган ва маъқулланган “Информатика ва ахборот технологиялари (Иқтисодиёт)” таълим йўналиши учун ДТС ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Фаннинг намунавий дастури Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар: Катта ўқитувчи Жуковская И.Е. _____

Катта ўқитувчи Расулова Н.А. _____

Фаннинг намунавий дастури “Ижтимоий фанлар, бизнес ва ҳуқуқ” билим соҳаси бўйича ўқув – методик бирлашмасида «_____» _____ 2007 й. кўриб чиқилди ва тавсия қилинди.

Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг _____ сон қайдномаси билан тасдиққа тавсия этилди.

КИРИШ

Жамият ҳаётида ахборот технологиялари ва информатиканинг аҳамияти йилдан йилга ортиб бормоқда. Шу билан бирга замонавий ахборот технологиялари соҳасида юқори малакали мутахассиларга талаб кучаймоқда.

«Тизимли ва амалий дастурий таъминоти» фанини ўқитишдан асосий мақсад ва вазифалари талабаларга тизимли ва амалий дастурий таъминотини ишлаш тамойилини ва амалий дастурий таъминотни лойиҳалаштириш усуллари, таҳлил қилиш малакасини шакллантириш ҳамда дастурий таъминотни лойиҳалаштириш, замонавий операцион тизимларининг хусусиятлари ва тизимли дастурлаш усуллари, амалий дастурий таъминотининг маркетинги, тизимли ва амалий дастурий таъминотни самарадорлигини баҳолаш усуллари бўйича фундаментал назарий билимларни беришдан иборатдир. Ушбу фан талабаларда ахборот технологиялари, шу жумладан техник ва дастур воситаларини қўллаш бўйича амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган.

Ушбу фанни ўрганиш учун талаба шахсий компьютерларда ишлаш кўникмаларига эга бўлиши, операцион тизимнинг ҳар хил турларини, операцион тизим интерфейсларининг тузилиши тамойилларини, амалий дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва лойиҳалаштириш замонавий усуллари, асосий иқтисодий фанларнинг асосларини билиши керак.

Фанни ўрганиш натижасида талабалар ЭҲМ дастур таъминотининг таркиби ва структурасини, замонавий операцион тизимлардан фойдаланишни, операцион тизим архитектурасини, асосий хизмат дастурлари-утилиталар билан ишлашни, сервис дастурий таъминотни, UNIX операцион тизимини, услубий-йўналтирилган дастурий таъминотни, муаммоли-йўналтирилган дастурий таъминотни, амалий дастурий таъминотни маркетингини билиши керак.

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида илғор педагогик ва ахборот технологияларидан кенг фойдаланиши назарда тутилган. Фанни ўқитишда муаммоли ва очиқ маърузалар ўтказиш, компьютер технологияларидан фойдаланиш, машғулотларни ўтказишнинг замонавий усуллари билан бир қаторда, илғор педагогик технологияларидан ҳам кенг фойдаланилади. Бу ҳолат масалаларини ечиш, гуруҳларда ишлаш, жараёнларни моделлаштириш, презентацияларни тайёрлаш, график органайзерлардан фойдаланиш, муаммоларни тадқиқот қилиш ва ҳ.к.

АСОСИЙ КИСМ

Фанга кириш.

«Тизимли ва амалий дастурий таъминоти» фанининг умумий тавсифи. Фаннинг ўқитиш мақсади ва тартиби, бошқа фанлар билан алоқаси. Дастурий таъминотнинг умумий таърифи ва таснифи.

Операцион тизимнинг архитектураси.

Тизим моҳияти. Резидент дастурлар. Курилма драйверлари. Фойдаланувчи интерфейси. Бажариш учун мўлжалланган кутубхоналар. Операцион тизими турлари: пакетли, вақтга ва хақиқий вақтга ажратиш.

Сервис дастурий таъминоти.

Интерфейс тизимлари. Операцион тизим қобиклари. Утилиталар. Сервис дастурий таъминот. Антивирус дастурлари. Norton антивирус дастури. Касперский антивирус дастури. Dr Web антивирус дастури. Хизмат кўрсатиш дастурлари. Архивлаш дастурлари. WinZIP архив дастури, WinRAR архив дастури. Тармоққа хизмат кўрсатиш дастурлари.

Намунавий тизимли таъминоти.

Намунавий амалий дастурий таъминот. Матнли процессорлар. Жадвали процессорлар. График процессорлари. Маълумотлар омборини бошқариш тизимлари. Эксперт тизимлари. Математик ҳисоблаш дастурлари. Эксперимент маълумотларни моделлаштириш ва таҳлил қилиш.

UNIX намунасидаги ОТ оиласи.

Linux ОТнинг умумий тавсифи. Хақиқий кўпмасалалик. Оператив хотирани дискга кўчириш. Хотирани бетлар бўйича ташкил қилиш. Талаб бўйича бажариладиган модулларни юклаш. Ижро этиладиган дастурлардан биргаликда фойдаланиш. Умумий кутубхоналар. Дискни динамик КЭШлаш. POSIX 1003.1. стандартига мувофиқлиги. System V BSD ва System V IPS қисман қўллаш имкониятлари. Бошқа ОТ нинг бажарилувчи файлларни ишга тушириш имконияти. Хар хил форматдаги файл тизимларини қўллаши. Тармоқ имкониятлари. Хар хил аппарат платформаларда ишлаш. Компьютерга Windows дан Linux ОТ ни инсталляция қилиш. Тизимни мақбул юкловчи дастурини танлаш.

Узилишларни бошқариш.

“Узилиш” тушунчаси ва турлари. Узилишлар механизми. Узилишлар вектори. Узилишлар векторини ўзгариши. Аппаратларга оид узилишларга ишлов бериш хусусиятлари.

Амалий дастурий таъминот турлари ва уларнинг тавсифи.

Умумий қўлланилишни дастурий таъминоти. Услубий-йўналтирилган дастурий таъминот. Муаммоли-йўналтирилган дастурий таъминот. Глобал

тармоқлар учун дастурий таъминот. Хисоблаш жараёнини ташкил этиш учун дастурий таъминот. Математик дастурлашни АДПи. Чизиқли дастурлаш масалаларини АДПи. Динамик дастурлаш масалаларини АДПи. Статистик масалаларни ечиш учун АДПи. Тармоқли режалаштиришни ва бошқаришни АДПи. Оммавий хизмат кўрсатиш назариясини АДПи. Математик статистикани АДПи.

Интернет ва ТСР/ІР база протоколлари.

Интернет тармоғидан узоқ масофадан фойдаланиш ҳуқуқи. Файллар билан алмашиш. FTP протоколида файллар билан алмашиш. WWW ахборот тизими. Интернет тармоғига уланиш усуллари. Интернет тармоғи учун амалий дастурий таъминот. Интернет тармоғида Шарҳловчи тармоқ дастури билан ишлашнинг ўзига хос хусусияти. Интернет тармоғида Почта мижози тармоқ дастури билан ишлашнинг ўзига хос хусусияти.

Амалий дастурий таъминот маркетинги.

Software ва Hardware маркетинги. Дастурий маҳсулотни сотиш билан шуғулланувчи маркетинг хизматини стратегияси. Ҳуқуқий база. Интернет тармоғидаги маркетинг. Бутунжаҳон тармоғининг аудиторияси. Электрон тижороат бозори. Ахборотларни қидириш. Интернетда илгари суриш усуллари. Баннер рекламаси. Интернетда маркетинг изланишлар. Интернет-маркетинга бағишланган ресурслар.

Тизимли ва амалий дастурий таъминот самарадорлигини баҳолаш усуллари.

Классик усуллар. Самарадорлик баҳоси. Эксперт баҳолаш усуллари. Самарадорлик баҳосининг математик усули. Дастурни ишлаш тезлигини самарадорлик баҳоси. Корпоратив тармоқда компьютерлар ва уларнинг дастурий таъминотининг самарадорлигини миқдорий баҳолаш. Компьютер тармоқларини дастурий таъминотини баҳолаш усуллари.

АМАЛИЙ, СЕМИНАР, ТАЖРИБА МАШҒУЛОТЛАРИ УЧУН КЎРСАТМА ВА ТАВСИЯЛАР

Амалий ва тажриба машғулотлари янги педогогик технологияларнинг “Ақлий хужум” усули, “Пингбод”, “Инсерт”, “Кластер”, “Балиқ скелети” каби техникаси ва ҳолатли масалалар ёрдамида ёритилади. Бу усуллар талабаларга мавзуларни ўзлаштиришга, гуруҳларда фаол иштирок этишга ва мустақил фикрлаш қобилиятини такомиллаштиришга ёрдам беради. Гуруҳларга бўлиб, бериладиган савол ва слайдлар Excel, Power Point компьютер дастурида тайёрланади. Билимларни эгаллаш ва олинган кўникмалар даражаси жорий, оралиқ ва якуний назоратлар бўйича олинган баллар асосида аниқланади. Семинар машғулотларини ўзлаштиришда интернет тизимидан фойдаланилади ва вазифаларни қабул қилиш тақдимот усулда амалга оширилади.

ЧИЗМА-ҲИСОБ, КУРС ИШИ ВА ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР

Ўқув режасида чизма-ҳисоб ва курс иши кўзда тутилмаган.

АСОСИЙ ДАРСЛИКЛАР ВА ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАР РЎЙХАТИ

1. Автоматизированные информационные технологии в экономике: Учебник/ Под ред. проф. Г.А.Титоренко.- М.: Юнити, 2006г.

2. Браудэ Э. Технология разработки программного обеспечения. Питер – 2004 г.

3. Вингерс К. Разработка требования к программному обеспечению. «Русская редакция» - 2004 г.

4. Орлов С.А. Технологии обработки программного обеспечения. Издание Питер – 2004 г.

5. Симонович С. В. Информатика. Базовый курс. Учебник. Санкт-Петербург: Питер – 2003 г.